


# ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMLI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 6 (176)

\* \* \* 2009 YIL, IYUNY \* \* \*

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



Ўзбекистон Халқ шоири Азим Суюн институтимиз меҳмони.

Т.ТУРДИЕВ олган сурат.

## ДАВРА СУХБАТИ

### СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Институт маънавий-маърифий ишлар бўлими, хотин-қизлар кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти Ибн Сино саломатлик маркази ҳамда Жиззах шаҳар акушерлик мажмуи билан ҳамкорликда давра суҳбати уюштирди. Йигилишнинг асосий мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 365-сонли «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишига қаратилди.

Институт маънавий-маърифий ишлари проректори А.Тангировнинг кириш сўзидан сўнг

институт хотин-қизлар кенгаши раиси З.Абдувалиева, шаҳар акушерлик мажмуи раҳбари Д.Рашидова, врачлар Д.Пармонова, Н.Мелиевалар «Соғлом қизлар — жамиятимиз таянчи», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббий кўриқнинг аҳамияти», «Талаба қизларнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши», «Овқатдан захира ланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари» тўғрисида чиқиш қилдилар.

Ўқитувчи ва ўқувчилар давра суҳбати чоғида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**М.АБДУЛЛАЕВ,**  
«Зиё чашмаси» ходими.

### ДИПЛОМ МУБОРАК!

Жиззах Давлат педагогика институтининг Физика-математика факультети талабаси Ҳамдам Тошпўлатов «Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича электрон ўқув методик адабиётлар ва амалий педагогик дастур воситалари» кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўринни эгаллади ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг дипломига сазовор бўлди.

Кўрик-танлов Қарши шаҳрида 2009 йил 1 май кунини бўлиб ўтди.

**Г.АҲМАДОВА.**

## КОНФЕРЕНЦИЯ

22-23 май кунлари институтимизда шекспирхонлик ва хорижий тилшунослик, адабиётшунослик ҳамда таржимашуносликка бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Нукус, Андижон, Қўқон, Самарқанд, Қарши, Навоий ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртралида фаолият кўрсатаётган юздан ортик филолог олимлар, ижодкорлар ва талабалар иштирок этди.

### ШЕКСПИРХОНЛИК

Буюк Шекспирнинг 3 жилдик асарлари ўзбек тилида босмадан чиқди

Анжуманни Жиззах Давлат педагогика институти ректори, профессор Олимжон Дўсмаатов очди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон халқ шоири, Шекспир асарлари таржимони Жамол Камол ўз ижодида Шекспир меросининг тутган ўрни, адиб асарларини таржима қилишдаги ўзига хос мураккабликлар хусусида сўзлаб берди.

Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти бўлим мудири, таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов «Шекспир машъали», Жиззах давлат педагогика институти инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудири, профессор Муҳаммадjon Холбеков «Шекспир мероси Ўзбекистонда» мавзуларида маъруза қилдилар.

Шунингдек, анжуманда профессорлар – Т.Сатторов, Б.Йулдошев, У. Усмонов (Самарқанд), доцентлар Н. Қамбаров (Тошкент), Қ. Тожиев (Қарши) ва бошқалар романгерман тилшунослиги, адабиётшунослиги ва таржима масалалари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Андижон давлат тиллар институти тадқиқотчиси Бегойим Холбекова Шекспир ва Роберт Бёрнсдан қилган таржималарини ўқиди.

Анжуман сўнгида Жиззах давлат педагогика институти хорижий тиллар факультети талабаларининг «Отелло» фожеасидан инглиз тилида кўйган сахна кўришлари қатнашчиларнинг олқишига сазовор бўлди.

**У. ЭЛОВА.**

## ОЛИМПИАДА ҲОЛИБЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1107-сонли буйруғига мувофиқ ўтказилган 2009 йил талабалар Республика фан олимпиадаси якунланди ва ғолиблар аниқланди.

Умумтаълим фанларидан республикамизларнинг турли олий ўқув юртралида ўтказилган олимпиадаларда институтимиз талабалари ҳам фаол иштирок этдилар.

Қуйида Республика фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган талабаларимиз билан таништирамиз:

**Улугбек ХУШАНОВ,**  
1-ўрин.  
Педагогика психология йўналиши 3-босқич талабаси, педагогика мутахассислиги бўйича.

**Давлат АКРАМОВ,**  
1-ўрин.  
Кимё-экология йўналиши 4-босқич талабаси, биология фани бўйича.

**Шерзод ҲАМРОЕВ,**  
2-ўрин  
касб таълими бўлими 2-босқич талабаси,  
«Материаллар қаршилиги» фани бўйича.

**Умида АБДУРАСУЛОВА,**  
3-ўрин.  
Педагогика-психология йўналиши 3-босқич талабаси, психология фани бўйича.

**Фароғат КҮЧИЕВА,**  
3-ўрин.  
Ўзбек тили ва адабиёти факультети 1-босқич талабаси, немис тили фани бўйича.

**Дилноза БАРАКАЕВА,**  
3-ўрин  
Математика-информатика йўналиши 3-босқич талабаси, физика фани бўйича.

Институт ректорати, касба уюшмалари кенгаши, Хотин-қизлар кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамда «Зиё чашмаси» таҳририяти номидан иқтидорли талабаларимизни табриклаймиз ва илм-фаннинг янги чўққиларини эгаллашларига тилакдошмиз!

## БҮТҮНТИ СОНДА

### 2-БЕТ

- ▶ Жой номларини ўрганувчиларга маслаҳат.
- ▶ Буви бўлганда ҳам шим хиясизми?
- ▶ Ҳамма нарсани қайтариш мумкин, аммо умрни қайтариб бўлмайди.

### 3-БЕТ

- ▶ Курсдошимиз билан фахрланамиз.
- ▶ Футурават ва жавонмардлик — комил инсон фазилати.
- ▶ Талаба ким учун ўқийди.
- ▶ Уга «замонавий» қизлар.
- ▶ Чўнтак телефонлари талабаларга шартмикан?

### 4-БЕТ

- ▶ Болаларга катталар ибрат бўлишади.
- ▶ Ижодкор талабаларнинг шеърий дафтаридан
- ▶ Июнь ойининг қутлуғ саналари

## ТОПОНОМИКАГА ҚИЗИҚУВЧИЛАР УЧУН

Халқимизда «Ватан-остонадан бошланади» деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Остона – бу тугилиб усган қишлоқ, маҳалла ва шаҳар, вилоят, Республика, бир сўз билан айтганда, она замин — она Ватандан иборат.

Тугилиб усган, улгайган ва ором топган жой номларини билиш уқувчиларда Ватан туйғусини шакллантириш ва уларнинг қалбига, онгига сингдириш тарбиянинг энг зарур қирраларидан биридир. Бу масалани-узвий ва самарали амалга оширишда топонимик материаллардан ўринли фойдаланиш аҳамиятлидир.

«Топонимика» сўзи юнончадан кириб келган бўлиб, «topos» жой, «pona» — исм, ном сўзларидан иборат бўлиб, «жой номи» демакдир.

**Топонимика** – жой номлари ҳақидаги фан, географик атама ва номлар ҳақидаги таълимдир. Топонимика фанининг мақсади-географик атама ва номларни ўрганиш, уларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш, атама ва номларнинг вужудга келиши моҳиятини таҳлил қилишдан иборат.

Умуман, топонимика тил ҳақидаги фанлар тизимига мансуб фанлардан бири ҳисобланиб, лингвистиканинг бир тармоғидир.

Шунинг билан бирга, жой номлари бошқа сўзлардан фарқ қилади, улар муайян ҳудудда таркиб топади, географик қонуниятлар, тушунчалар ва терминларни (рельеф, дарё тармоқлари, кўллар, музликлар, ўсимликлар, ҳайвонлар номлари ва фойдали қазилмалар) акс эттиради.

Шунингдек топонимика геогра-

фиянинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Топонимларда ҳар хил тарихий воқеалар, халқлар ва уруғлар номлари акс этганлиги боис

# ЖОЙ НОМЛАРИНИ ЎРТАНИШ УСУЛИ

узоқ сақланиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, топонимика тилшунослик, тарих, география, этнография ва бошқа фанларнинг ўртасида вужудга келган. Атама ва номлар эса ҳар бир фандагидек, географиянинг тилидир. География таълимини атама ва номларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Машҳур географ олим Э.М.Мирзаев таъкидлаганидек, жамият ҳаётини географик номларсиз тасаввур этиш мумкин эмас, улар ҳамма ерда учрайди ва бизнинг онгимизда ва фикримизда ёшлик давридан ўрнашиб боради. Инсонлар яшайдиган ҳамма қишлоқ ва шаҳар, кўча, мамалакатнинг ўз номи бор.

Топонимикада мавжуд географик номлар келиб чиқишига қараб, шартли равишда куйдагича гурuhlанади:

**Жойнинг ҳолати, ҳосияти, ер юзаси ва иқлимга боғлиқ номлар:** (Баландчақир, Осмонсой, Тўйгела).

**Сув объектларига боғлиқ номлар:** (Сурхондарё, Қорасув, Иссиқкўл, Кўкбулоқ, Эгизбулоқ, Сирдарё).

**Ўсимликлар ва ҳайвонларга боғлиқ номлар:** (Мингчинор, Ўрикзор, Галлаорол, Қўйтош,

Жондор).

**Фойдали қазилмаларга боғлиқ номлар:** (Тошкўрғон, Зармитан, Олтинсой, Тузқон, Кумушқон, Шўрўзак).

**Хўнар-қасбдан олинган номлар:** (Совунгар, Ҳўчи, Шишахона, Жевачи).

**Хўжалик буюмларидан олинган номлар:** (Қозон, Кетмончи).

**Халқ, қабила ва уруғларга боғлиқ номлар:** (турк, ўзбек, буркут, чандир, араб).

Топонимик материаллардан география ва иқтисодий билим асослари фанларидан ўтказилган машғулларда фойдаланишнинг куйидаги шакл ва усулларини тавсия этамиз:

— Топонимикага қизиқувчилар ўртасида ёш топонимчилар клубини ташкил этиш;

— Талаба-ёшларнинг ўзи яшайдиган ҳудудда топонимлар лугатини тузиш, изохлаш;

— Кўп ҳудудларда учрайдиган бир хил номларни аниқлаш ва улар ўртасида алоқадорликни аниқлаш;

— Туристлик саёҳат йўналишидаги жой номлари, схематик картасини тузиш, масофа, ном мазмуни бўйича изохлаш, лугат тузиш ва кўргазмали куроллар ясаш;

Машғулларда топонимик материаллардан ўринли фойдаланишнинг дарс сифатини ошириш, ёшлар онгига Ватан туйғусини сингдиришдаги аҳамияти салмоқлидир.

**Ш. ХИДИРОВ,**  
география ва иқтисодий билим асослари бўлими бошлиғи.

**Х. РАВУФОВ,**  
**И. ХўЖАБЕКОВ,**  
IV курс талабалари.

## ХАЛҚАРО АНЖУМАНДАН СЕРТИФИКАТ БИЛАН



2009 йил 27-30 апрель кунлари Тошкент шаҳрида "2009 йил Халқаро Астрономия йили ҳамда Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган республика олий ўқув юртлири иқтидорли талабаларининг семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Астрономия институти ҳамда Юнеско билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Тадбир Юнесконинг Ўзбекистондаги

элчиси ҳамда шу институт директори Шўхрат Эгамбердиев нутқлари билан очилди.

Семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — жаҳонда ва Ўзбекистонда астрономиянинг ютуқлари ва муаммолари, олам тузилиши ҳақида тасаввурлар бериш ва энг муҳими талабаларда қизиқувчанлик, кузатувчанлик ва таҳлил қила олишни қобилиятини шакллантиришдир.

Уч кун давомида кўплаб маърузалар тингланди, ўзоро фикр алмашилди.

Институтимиз физика-математика факультетининг иқтидорли талабалари Усмонов Шаҳоб, Ниёзов Жавлонбек ва Дукеева Мамлакат семинарда фаол катнашиб, махсус сертификатлар билан қайтишди.

**Суратда:** сертификат соҳиблари Ш. Усмонов, М. Дукеева ҳамда Ж. Ниёзов ўзaro суҳбатлашаётган пайт.

Т. ТУРДИЕВ сурати.

## ВАҚТ – БЕБАКО БОЙЛИК

# УМР ҚАРВОНИ

Инсон ҳаёти дунё ва охираёт ўртасида юрадиган бепоён манзилда юрвчи қарвонга ўхшайди. Қарвон доим ҳаракатда бўлади, мақсад, манзил сари ошади. Ана шунда инсон умрининг ҳар бир лаҳзаси нақадар қимматлигини англаб етиш керак.

Йўқолган бойликни қайта топса бўлади, йўқолган амалга қайтадан эришса бўлади, йўқолган дўстни ҳам топса бўлади, аммо йўқолган умрни қайтадан тиклаб, топиб бўладими?!

Бу кўна дунёдан не-не буюқлар ўтмади. Улуғ шахсларнинг ҳаёт тарзига эътибор беринг. Ҳар бири ўзига берилган умр деб аталиш бебаҳо хазинанинг ҳар бир онидан самарали фойдаланган, ўзгаларнинг ҳам ҳаёт хазинасини бойитиб ўтган.

Қисқа, аммо мазмунан асрларга тагиғулик умр кўрган Ҳамза, У. Носир, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Х.Олимжон-

ларнинг буюк сиймолари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Р. Тагор 9 ёшида буюк Шекспирнинг "Макбет" фоҳиасини инглиз тилидан бeнгал тилига таржима қилади. Моцарт 10 ёшида ҳаммани танг қолдирувчи музика асарлари ёзди.

Бундан кўриниб турибдики инсон буюк бўлиши, бирон бир мавқега эришиши, яхши ном қолдириши учун умрнинг қанча эҳтироғи эмас, балки қандай ўтганлиги муҳимдир. Азиз тенгдошлар сиз шу онданок ҳаракатингизни бошланг.

Дарҳақиқат, бугун — келажак умр учун пойдевордир!

**Зокира ФАЙГАНОВА,** педагогика-

психология йўналиши 1-босқич талабаси

**Мадина ПАРДАЕВА,** ўзбек филологияси факультетининг 1-босқич талабаси.

**Ўз дидинг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут (яъни ол), ўзинг учун қулайроқ, энгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарин, машаққатига яраша савоби ҳам бўлади.**

Аз-Замашарий.


Миллий мустақиллигимизга эришганимиздан сўнг барча соҳада бўлгани каби миллий маънавиятимизни, анъана ва қадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклашга катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни ҳар хил бузғунчи йўллар билан издан чиқаришга уринаётган, халқимизни урф-одатлари ва миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам йўқ эмас. Ташқи кучларнинг бу найранглари кундай равшан, аммо ўзимизнинг лоқайдлигимиз туфайли ўз турмуш тарзини, маданиятини ўзимизга, миллий урф-одатларимизга сингдиришга ҳаракатлар кўп учрамоқда.

Кўплаб мисоллар орқали бунга жавоб бериш мумкин. Масалан, бола тарбиясидаги бефарқлик, эр-хотин муносабатлари (уларни шарқона одобга мос келмайдиган муомалалари), ҳар хил байрамларни киритиш (севишганлар кўни), миллий либосларни эскирган урф-одат дейишлик ва бошқалар.

Келинг, шулардан миллий либослар ёки қизларнинг кийиниш маданиятига тўғалиб ўтайлик. Жамоат жойларида, илм даргоҳларида, кўча-куйларда, шаҳар ва қишлоқларда ёш қизлар, аёлларнинг, ҳаттоки бува ёшига етган "замонавий" онахонларни кийиниш одобларига ҳеч эътибор берганмисиз, уларни кийган тор, очик-сочик, умуман шахс маданиятига бегона кийимлари кишини, айниқса, эркаклар эътиборини тортмасдан қолмайди. Қизиқиб улардан бир сўраб кўринг, сизга бу кийимларнинг нима

қулайлик тарафи бор? – деб. Улар сизга шунақанги қулайлик тарафларини айтишадик, лол қоласиз. Масалан: тез юришдаги, пиллапоялардан чиқишдаги, микроавтобусларга минишдаги афзаллиги, қишда совуқдан сақлашда ва энг

## ОДОБ-АХЛОК МАВЗУИДА



асосийси "фигуран" чиройли кўрсатиши каби бир қанча ижобий томонларини ҳеч иккиланмасдан санаб беришади.

Бу каби сезилмайдиган бизнинг хато-ларимиз йиллар ўтиши билан ўзининг салбий оқибатларини олиб келиши ва бизнинг оёқларимизга кишан бўлиб тушиши тарихан исботланган ҳодисадир.

Шу ўринда аз Замашарийнинг хикматли ўғитларини айтиб ўтиш жоиз: "Қанча одамлару қавмлар борки, сизга гуё ип каби эшилиб мулозамат қиландилар, лекин улар пайт пойлаб фасод чиқаришга интиладилар, ғафлатга тушиб шундайларга сира алданмангизлар". Наҳотки, минглаб йиллар давомида

дунёни ўз ҳаёси, ибоси, оқиллиги, болажонлиги, меҳмондўстлиги, оилага садоқати каби бир қанча бетақдор ҳислатлари билан лол қолдирган ўзбек аёллари орасида ҳаёсини йўқотадиганлари топилса.

Маълумки, қадим-қадимдан аёл шарм-ҳаё рамзи сифатида қадрланиб келинган. Шу ўринда куйидаги ривоятга, қулоқ солинг!

"Қадим замонларда Турон заминига ёв

қиласан?

Аёл:

— Мен аёлман, шарм-ҳаёمنى сақлай. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам, ному-сим ҳаққи, халойиқ олдиға аёлдек чиқишим керак".

Қиссадан қандай ҳисса чиқаришлик бу ўзингизга боғлиқ аммо, ҳаё – бу меъросий фазилат. Ҳаёли аёллар айни пайтда ростгўй, ширин сўз, ўз ёрига вафодор, оила ва ватаннинг шаънини ҳимоя қилдилар.

Севимли шоирамиз Э.Охунова ҳаёни улуглаб шундай деб ёзган эдилар:

Ҳаё...

**Мен бу сўзга тош қўяман юрагимнинг оғриқларидан, Ва асрайман уни қора кўзим қароғларида.**

Ҳаё...

**Очилмаган гул ул назокатнинг кўриқларида.**

**Ҳаё-юрагимнинг энг тўрида энг мусаффо варақларида.**

**Ҳар нарсадан баланд, харнадан қиммат ул кўзларининг нури, гавҳари.**

**Қай аёлни тарк этса ифғат, соврилибди, демак, баҳори.**

Бу борада жадид маърифатпарварларидан Абдулла Авлоний ҳам куйидаги ибратли фикрларни айтган: "Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Ифғатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир".

Миллий урф-одатларимиз миллатимиз гултождир, уни асрашлик эркак, аёл зиммасидаги энг маъсулиятли, шу билан бирга шарафли вазифадир. Уни бегона кўзлардан, ҳар хил ғаламислардан асраш ҳар биримизнинг олдимиздаги асосий мақсадимиздир.

**Фаррух АҚЧАЕВ,**  
институт "Қамолот" ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси.



## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ИЛЁС БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатидир. Юртимизда илмунар ўрганаман, униб-ўсаман деган барча ёшларга чексиз имкониятлар мавжуд.

Жумладан, институтимиз ҳам ҳар бир талабанинг ўқиб-ўрганиши, таълим-тарбия олмоғи учун барча шароитлар яратилган. Фақат, биз талабалар шу имкониятлардан унумли фойдаланмоғимиз, яхши мутахассис бўлиб етишмоқ учун интилимиз лозим. Институтимизда интилувчан, истеъдодли, меҳнатсевар талабалар бор. Ана шундай талабалардан бири бизнинг курсдошимиз, яъни педагогика фа-

культети, мусиқий таълим йўналиши 2-босқич талабаси Илёс Ҳамраев.

Унинг инсоний хислатлари ҳам диққатга сазовордир. Илёс ширинсухан, оқ кўнгил, хушхўлқ, атрофдагиларга меҳрибондир.

Ҳалқимизда "Устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўргалар" деган ҳикматли сўз бор. Илёс ҳам бунга амал қилган ҳолда, мусиқа илмини мукамал эгалламоқ учун, устозларнинг этакини маҳкам тутган. Ҳалқ чолғу асбобларини маромига етказиб чала олишга ҳаракат қилади. Унинг чолғу созидан чиқаётган сеҳрли куйлар тингловчининг эъти-

борини дарҳол ўзига жалб қилади. Баъзан шеър ёзиб, ўзи куй басталаб, ижро қилганда унинг истеъдодига яна бир бор тан берамиз.

Унинг бу изланишлари, меҳнатлари самараси сифатида 2008-2009 ўқув йилида Ўзбекистон "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Қамолот" таълим гранти холиби бўлди.

Бундай ютуқдан барчамиз хурсанд бўлдик ва бу талаба яна ҳам баландроқ билим чуққиларини забт этиш учун ундайди. Тўғри-да, жамиятимизда имкониятлар мавжуд бўлгандан кейин, ундан ҳар биримиз самарали фойдаланишимиз лозим. Биз институтимизнинг барча талабаларини яхши билим олишга, яхши мутахассис бўлиб етишиш йўлида тинмай ҳаракат қилишга, меҳнатсеварликка чорлаймиз.

**Зебинисо МУҲАММЕДОВА,**  
мусиқа йўналиши 2-босқич талабаси.

## КОМИЛЛИК-ИНСОН ФАЗИЛАТИ

Мурувват барча бермоқдур, емак йўқ,  
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.

## ФУТУВВАТ ЁКИ ЖАВОНМАРДЛИК ҲАҚИДА

Буюк бобомиз ҳазрат А.Навоий қаламига мансуб ушбу мисраларни эшитмаган, билмаган ўқувчи топилмас керак. Яқиндагина бир ўқувчи мендан "футувват" сўзининг маънавияти ҳақида сўраб қолди. Балки "Футувват" тушунчаси кўпчилик учун қизиқарлидир, деб ўйладим.

Эрамининг Х асрларидан бошлаб Мовароуннахр ва Хуросонда кенг тарқалган бу ҳаракат каттаю кичик, шоҳу гадони бирдек ўзига жалб этди.

Зоҳиран ва ботинан пок юриш, топган ҳалол меҳнати самарасини муҳтожлардан аямаслик, эзгу амаллари билан кишиларнинг ҳождани чиқариш фидойилик, меҳнатдўстлик каби бир қанча сифатларни талаб қиладиган бу ҳаракат жавонмардлик, яъни футувват деб аталди.

Бундай сифатли кишилар ўша пайтда фатий (арабча — мард инсон), ахий (дўст, биродар), жавонмард (мард йигит) лар деб аталган. Ҳар бир жавонмарднинг ўз жамоаси, пири, йигиладиган жойлари бўлиб, улар жамоа бўлиб яшаган. Жамоага қабул қилинган ёш йигит "фарзанд", одат бўйича унинг белига мардлик белбоғини боғлаган пир "ота", бошқа жавонмардлар эса дўст-биродар ҳисобланиб, бир-бирлари учун жонларини беришга тайёр турганлар.

Бу йўлни танлаган жавонмард бир умр ўз аҳдида содиқ қолган. Шоҳ ҳам, гадо ҳам, яъни ҳар қандай аҳди қатий инсон жавонмард бўлиши мумкин бўлган. Уларнинг асосий вазифаси ҳалол ва пок йўл билан ожизларга кўмак бериш, яъни эзгу амал ҳисобланган. Ҳозирда жавонмард инсон деганда кўпчиликнинг кўз олдига жисмонан бақувват, кучли йигит келади. Аммо жисмоний кучнинг ўзигина жавонмард бўлиши учун етарли эмас. Жавонмард кишининг жисмоний кучи руҳий, маънавий етуқлиги билан уйғунлашиб кетсагина чин жавонмард ҳисобланган ва "жавонмард" номини олиш шараф бўлиб, ҳар қим ҳам бу номга эришмавермаган.

Араб сайёҳи Ибн Батута "Сафарнома" асарида шундай ёзади.

"Мен дунёни кезиб, улардек эзгу хулқли ва эзгу ҳисли кишиларни кўрмадим. Уларга тобе жойда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкароҳларида олтин ва қумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч қим бу пулларга келмайди" (Яъни Мовароуннахрда).

XII асрга келиб тасаввуф ва футувват бирлашиб кетди. Бу нахшбандия ва кубравия тариқатларининг талаб ва қоидаларида ўзининг яққол исботини топди. Энди футувватчилар

тасаввуф аллоҳини қабул қилдилар. Аммо эзгу амалларидан ҳам воз кечишмади, аксинча ҳалқ орасида юриб, хайру саховат ишларини янада кенгайтирдилар.

Тарихда жавонмард ўтган инсонлар жуда кўп. Масалан, Ваҳобиддин Нахшбандий, Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Ҳўжа Аҳрори Валий, А. Навоий ва бошқалар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) нинг саҳобаларидан бўлган Салмони Форсий елкаларида меш билан сув ташиб, Маккада кишиларнинг чанқоғини бостириш билан шуғулланганлар.

Шайх Нажмиддин Кубро бор мол-мулкларини муҳтожларга тарқатиб, ўзи эса енг шимариб мўғулларга қарши курашган.

Ҳазрати Ҳўжа Аҳрори Валий даромадларининг асосий қисмини доимо камбағал ва муҳтожлар эҳтиёжига сарфлаганлар. Ул зот қурдирган мадраса ва хонақоҳлар сони 20 дан ортиқ, вақф мулклари эса 250 дан ортиқ бўлган.

Вақти келганда бутун Тошкентнинг бир йиллик хирожини тўлаган, очликдан силласи қуриган муҳтож халқни боққан, қаҳатчиликдан қочиб ундан мадад истаб келган туркистонликларни ўз ҳимоясига олиб моддий ва маънавий кўмак берган сахий киши бўлганлар. А. Жомий ўзининг "Нафоҳат-ул унс" асарида Ҳўжа Аҳрори Валий каби кўплаб футувватли инсонлар ҳақида маълумот берган.

Юқорида келтирилган 2 мисра ҳам ана шундай инсонларнинг бажарган эзгу амалларига ҳазрат Навоийнинг таърифи бўлса ажаб эмас.

Шеъримиз даҳоси бўлган А. Навоий ҳам кеҳис саховати билан нафақат ўз даврининг балки бугуннинг ҳам "Ҳазрати инсон" ига айланган зотдир. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айтишларича, ер юзиде комил инсонлар борлиги учун ҳам у ўз ўқидан чиқиб кетмас экан.


Чунки уларнинг яхшиликлари разолат ботқоғига ботиб кетаётган дунё тарозусининг бир томонини кўтариб турар экан.

Ҳалқимизда ўзи емай меҳмонга тутиш, одамийлик, хушмуомалалик, муҳтожларга кўмак бериш, кўни-кўшни, маҳалла-қўй орасида ўзаро ёрдам, ўзаро ишонч каби гўзал одатлар борки, булар футувватнинг кўпгина жиҳатлари улғ аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолганлигининг исботидир.

**Манзура ҚОРАЖОНОВА,**  
Жиззах давлат педагогика институти қошидаги "Сайилжойи" академик лицейининг она тили фани ўқитувчиси.

## ТАЛАБАЛАРГА ТЕЛЕФОН ШАРТМИКАН?

Бугунги кунда қаёқа қараманг, чўнтак телефонини қулоғига тутганича берилиб сўзлашаётганларни учратамиз. Институт талабаларини айтмаса ҳам бўлади. Талабаларнинг дарс вақтида ўқитувчиларга ҳалақит бериб ҳадеб кўл телефонидан фойдалана-



вериши тўғримикиан? Ҳисоб китобларга кўра Ўзбекистонда ҳозирги кунда ўнга одамнинг олтитаси мобил телефонлар хизматидан фойдаланишар экан. Тўғри, бунинг қулайлик жиҳатлари кўпдир, бироқ... Корейлик таниқли олимилар чўнтак телефониде тез-тез гаплашиш саломатликка жиддий ҳавф солишини аниқладилар. Қулоқларнинг оғриши, бош айланиши ва кўнгил айнаши "телефон касаллиги" аломатлари саналади. Яқинда эълон қилинган маълумотларда айтишича мобил телефонлар кишининг феъл-атвориға ҳам таъсир курсатар экан. Мелбурн университети профессори Коно Стоуннинг узок кузатуvidан сўнг хулоса қилишича уяли алоқа воситасидан кўп фойдаланган кишиларнинг миёсида катъиятсизлик, ҳаракатида сусткашлик ривожланган, яна мобил телефондан кўп фойдаланадиган ёшларда уйқу бузулиши ҳавфи юзага келади.

Доноларимиз, "Соғлигинг-қўлингга" — деб бежизга айтишмаган. Демак, биз саломатлигимизга жиддий ҳавф солувчи ҳар битта нарсадан ўзимизни эҳтиётлашимиз зарур. Илоҳи борича кўл телефониде камроқ гаплашиш зарур.

**Лазиза ЖУМАНОВА,**  
педагогика — психология  
йўналиши 1-босқич талабаси.



## ШОГИРДЛАР УСТОЗЛАР ҲАҚИДА

### ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Факультетимизда устоз Ҳ.А. Мелиев бошчилигида ҳар бир тадбир байрамона тарзда ўтказилади. Бизга таълим ва тарбия бераётган азия устозларимиздан Г. Бозорова, Б.Расулов, шу билан бирга бизга ҳар бир ишда бош-қош гуруҳ раҳбаримиз Ш. Зармасовдан жуда миннатдоримиз. Буюк файласуф Арасту "Мен устозимни отамдек улуг биламан, чунки яшаш дунёга келишдан кейин" деган экан. Ҳақиқатдан ҳам киши мутахассис бўлиб етишиши, чинакам комил инсон бўлишида устозларнинг роли катта экан. Уз билимимизни янада ошириш мақсадида дарсдан кейин устозларимиз хузурига шошамиз, улардан билим ва тарбия олишга интиламиз, мураббийлар насиҳатларини тинглаймиз, йўл-йўриқларига амал қиламиз.

Курсдошлар билан шундай устозлар шогирди бўлганимиздан фахрланамиз.

**Шаҳноза ҚАЙУМОВА,**  
педагогика-психология йўналиши 1-босқич талабаси.

## ТАЛАБА КИМ УЧУН ЎҚИЙДИ?

Авалло ҳар бир талаба ушбу саволга ўзидан жавоб топса, дейман. Иккинчидан, талаба дарсга тайёр бўлиб келса, янги мавзу бўйича зарур адабиётларни кўздан кечирса ва маълум даражада билимга эга бўлса. Бу эса ўз-ўзидан маърузани баҳс-мунозарага, савол-жавоб тарзида ўтишига замин тайёрлаш билан бир қаторда талабаларнинг дарсга қатнашиши, фанга қизиқиши, кенг фикр юритишини таъминлайди. Бу ҳолатда аксарият талабаларда ўқитувчиларнинг баҳо қўйишига эътироз ҳам барҳам топарди.

**Ҳиллола ХОЛИҚОВА,**  
педагогика-психология йўналиши 103-гуруҳ талабаси.

"Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат ҳаё ила ифбатдир, ҳаёсиз юз-жонсиз жасад кабидур".  
Абу Али Ибн Сино.

беандишаликми ёки қизларнинг "замонавийлиги" ?  
Ҳозир айрим талаба қизларнинг

## «ЗАМОНАВИЙ» ҚИЗЛАРНИ КЎРИНГ


Қизнинг ҳусни ярим бойлик, ақли эса буюк кабидур. Улуғ бобомиз Ибн Сино инсон ҳусни ҳақида тўғри таъриф берган. Қизларнинг энг гўзали ҳаёли ва ифбатлиси. Дарҳақиқат қиз бола қалам қош, шахло кўз, узун соч, сулув бўлса-ю шарм ҳаёси бўлмаса бундайларни ҳеч қим гўзал дея олмайди. Қизларнинг оҳанграбоси унинг ақл идроки, одоби, туруридир. Турли косметик маҳсулотлар билан бўяниш бемаънилик, ўзига ишонмасликдир. Баъзи қизлар шундай бўяниб кийинадики, кўрган одам қайта кўришга жирканади. Улар ўзларига мос юриш қилмай, товуссимон юриш қилиб, ўзларининг устидан ўзлари мағзава ағдаришди. Ҳо-

зирги кун қизларнинг шим кийиши, мини юпкасиға-ку изохнинг хождати йўқ. Ёшларнинг бундай юришлариға инсонлар қуникади. Аммо 30-40 ёшли аёлларнинг бундай юриши қизларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда Бунга ўзларидан сўрасақ мода дейишади. Эртага европаликлар мода деб кийимсиз юришса бизлар ҳам эргашамизми? Кўча кўйда баъзи қизларни кўриб, маймун ҳам тилға кириб кетади. Камига қулоғидан телефон "наушник" тушмайди. Бу кўпроқ ўқув даргоҳларида ҳам, авж олиб бормоқда. Ўқувчилар, талабалар оғзида сақич, қулоғида "наушник" дарсда ўтиришади. Бу

квартираларда йигитлар билан бирга туриши ақлга сиғмайдиган иш. Ота-онадан узокда бўлиш билган ишини қилиш дегани эмаску. Атрофдагиларга эътиборли, хуш муомалали, зийрак, эсли қиз-оиланинг қуешидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир қиз бўлажақ онадир. Чунки ўзбек қизига ҳаё, ифбат, ақл, одоб, хушёрлик, озодлик зеб беради, зийнат беради. Булар эса бизнинг кадриятларимиз, миллатимиз кўрки, фаҳримиз, шуҳратимиздир.

**ЮлдузТОШПҮЛОВА,**  
мактабгача таълим ва болалар спортини йўналиши 3-босқич талабаси.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



Она ҳақида жуда кўп ёзилиб, улар мадҳи элларда дoston қилинади. Лекин она ҳақида ёзиш нақадар мушкул эканини, уларнинг таърифини эътироф этмоқ учун юракда чексиз муҳаббатнинг ўзи камлик қилишини кўлга қалам олгач яна бир бор англадим.

Уларни меҳру муҳаббатлари билан доно сўзларини қалбларга муҳр этмоқ лозимлигини ҳис этган ҳолда, бувимни ўғитларини сизлар билан баҳам кўрмоқни истадим.

Қиз бола катта бўлгач онасига ёрдамчи бўлиб, рўзгор сирларини ўргана бошлаши ҳеч кимга сир эмас. Лекин фақат уй юмушларини ўрганибгина қолмай, уларнинг ҳаёт сабоқларидан чиқарган ҳикматларига ҳам қулоқ тутсақ фойдадан холи бўлмас экан. Шу ўринда мен Назокат бувижоннинг (охиратлари обод бўлсин) онамга берган, онамнинг менга берган маслаҳатларини айтиб бераман.

### НОН ВА АЁЛ

Бир куни бувим нон ёпа туриб, онамни қoшларига чақирибдилар. Онам ҳам нон ёпишни ўрганган эканман деб олдиларига бориб турибдилар.

— Кизим, ҳозир сизга бир нарса кўр-

сатаман (бувим аямларни, умуман ҳамма болаларини сизлаб гапирар эканлар) дебдилар ва нонни ёпиштирибдилар.

— Қаранг, тандир жуда иссиқ, тафти одамни куйдиради. Ҳаёт ҳам шунақа, эҳтиёт бўлмасангиз куйиб қолишингиз мумкин. Шундай деб нонни ёпа бошлабдилар, бироз дам олиб, қолганини ёпиштиришда давом этибдилар. Бу орада олдин ёпган нонларидан иккитаси тушибди, шунда бувижоним нонни олиб, энди қаранг, дебдиларда, нонни ёпган томонларига сув уриб бошқатдан ёпмоқчи бўлибдилар, лекин нон ёпишмабди. Шунда бу юзига сув уриб, нонни қайта ёпибдилар, иккинчисини эса тандирнинг ёнига тош қўйиб четига қўйибдилар. Шунда онам ҳайрон бўлиб, бувимлардан сўрабдилар:

— Сизнинг нонингиз доим яхши чиқарди, нима учун 2-3 нонни атайин тандир иссиқлигида ёпдингиз, қолганини кейин, бунда не синоат бор? Шунда бувижоним кулиб, шoшилманг, буни ҳозир ўзингиз кўзингиз билан кўриб хулоса чиқариб оласиз, дебдиларда, ишларини давом эттира бошлабдилар. Бу орада нон пишибди. Бир сават нонни узиб олган бувижоним боғи иккита нонни кейинги нонларни олдига қўйиб онамларга маъноли қараб шундай дебдилар... — Боя айтганимдай, тандир — бу ҳаёт, нон эса аёл. Халқимизда шундай нақл бор "нон бир юзи билан пишсин". Бунда ҳикмат кўп болам. Мана ўзингиз кўриб хулоса чиқариб олинг, қайси нон чиройли. Шунда онам кулиб: албатта бу нонлар-да деб айтибдилар. Ҳа, бу нонлар турмуш муштира чидаб, мослашиб ўз чиройини, бахтини асраб қолган аёл, мана бу икки

нон эса ҳаёт иссиқ-совуғига чидолмай икки юзи куюк. Буни эса мағзини чақиб олинг. Бувижоним ибрат қилиб кўрсатган тандир, ҳаёт, нон, аёл ҳақидаги фалсафа нақадар тўғри эканлигини билмасамда жамики дугоналаримни тандирдан узилган ширин, чиройли нондай ҳаёт кечирешини хоҳлайман.

### «ЙЎҚНИ ҚУЛОҒИ БЎЛАДИ»

Кунларнинг бирида ҳикоя қиладилар онам, — кўшни келиб нон сўрабди. Онам ҳеч иккиланмай нонимиз йўқ, дебдилар. Ичкарида ўтирган бувим, бу нима деганингиз қизим, саватдаги нондан олиб чиқиб беринг дебдилар. Шунда онам ноилож саватдаги нондан олиб чиқиб берибдилар ва кўшни хотин кетгач, ҳадеб сўраб келаверадим, нима учун беришингиз керак, ўзлари ёпишсинда, дебдилар. Бувимлар кулиб: феълнингизни кенг қилинг болам, берганга худо беради, бор нарсани йўқ дейиш эса катта гуноҳ, ёдингизда бўлсин "йўқни қулоғи бўлади, агар йўқ десангиз йўқолиб кетади" деб танбех берибдилар.


### ДУОНИНГ КУЧИ

Бувимларнинг таъблари жуда нозик ҳиссиётли, шоир табиатли бўлиб, шеърлар тўқиб, дostonларни ёд олар эканлар. Болаларни суюб, узундан-узун дуолар ўқир эканлар. Менинг онамларни эса ҳаммага-шоира қизим деб таништирар эканлар. Бир куни онам бувимга эътироз билдириб, фақат шундай дейсиз, мен доктор бўламан, дебдилар. Бувим кулиб, яхши ният — ярим давлат, худо хоҳласа

шоира бўлиб кетсангиз ажабмас, қизим дебдилар. Ҳозир ойим бувим айтганларидек шоира бўлмадилар, лекин олима бўлдилар. Бунда бувимнинг дуоси кучи бор, деб ўйлайман. Шу ўринда она дуоси кучи ҳақидаги онамнинг ҳикоясини айтмоқчиман.

— Кунларнинг бирида, эслайди онам ёшлик хотираларини, — уйимизга Қўқондан меҳмонлар келишди. Ўзи кўпчиликми, уйда иш кўп, кўл-кўлга тегмайди (бувим қаҳрамон она бўлиб, 10 фарзанди бўлган), нон ёп, ош пишир, супир-сидир, идиш-товок, ундан ортиб меҳмонларга қараш. Бувим, онам эса улар келганига икки-уч хил таом пишириш билан овора. Шу орада кеч кириб, меҳмонлар учун янги уйдан жой ҳозирланиб, кўрпачалар солинибди. Кун ботиши билан чарчаган онамнинг кўзи уйкуга кетибди. Шунда кўлида бир нарса юрганини ҳис қилган онам, кўлини силтаб ташлаб, у ёнбошларига қараб ётибди. Яна бир оздан сўнг юзида бир нима гимирлаб юрганини сезиб кўли билан ушлаб ёнига ташлабди. Шунда ёнидаги шеригини "вой чаён чакди" деган бақиривидан уйғониб кетибди ва чирокни ёқибди. Не кўз билан кўрсалар кўл билан икки марталаб олиб ташлаган ҳашорот ўша чаён экан. Онам югуриб чиқиб бувимга айтибдилар ва ўз хайратларини яшира олмай, нима учун мени чакмади, деб сўрабдилар. Шунда бувим: мен сизни қанча дуо қиламан, она дуоси қалқон бўлади, дебдилар. Келинг, ҳаммамизни оналар дуоси асрасин.

Паризод ИСОҚОВА,  
Ўзбек филологияси  
факультети 1-босқич талабаси.



В. Генре Лонгфеллов,  
**ЁМФИРЛИ КУН**

Кун қорайиб бирам совуқ ва маюс,  
Ёмғир пешвоз чиқар шамолга ҳануз.  
Узум новдалари девор чирмаган,  
Ҳар не бор, қоронгу шу зулмат боис.

Ҳаёт маюс гўё совуқ салтанат,  
Ёшлик орзусига куз бермас навбат.  
Ўтмишим ўйлари тарк этмас мени,  
Ҳукм сурмоқдадир сокинлик зулмат.

Юрак оғриқ билан уради ғамгин,  
Кўёш чиқиб тезда хабаринг бергин.  
Ёмғирга айланган ҳаёт рақсида,  
Тақдир деганлари барчага тайин.

Инглизчадан Умида ЭЛОВА таржимаси.  
Хоржий тиллар факультети  
3-босқич талабаси.

## ОНА ВАТАНИМ

Ватаним номусим, шухратим - шоним,  
Сени деб оқади томирда қоним,  
Кучоғингда ўтди ҳар бахтли оним,  
Виждоним, иймоним, сенсан жон-танним,  
Эй муқаддас замин, Она Ватаним!

Осмонинг мусаффо, порлоқ кўёшинг,  
Билимга чанқоқдир ҳар битта ёшинг,  
Адолатда тенгсиз доно юртбошинг,  
Виждоним, иймоним, сенсан жон-танним,  
Келажаги буюк, азиз Ватаним!

Булоқнинг сувидек тиниқ ҳаёлинг,  
Ҳар доим эъзозда мунис аёлинг,  
Меҳнаткашдир ҳатто митти чумолинг,  
Виждоним, иймоним, сенсан жон-танним,  
Эй муқаддас замин, Она Ватаним.

Осмонўпар баланд қоя-тоғларинг,  
Гулга тўлган гўзал чаман-боғларинг,  
Қадрлидир ҳаттоки қарга-зоғларинг,  
Виждоним, иймоним, сенсан жон-танним,  
Жаннатмакон боғ-у бўстон, Ватаним!

Ўзгача ҳар битта урф-у одатинг,  
Ўз қўлингдодир бахт-у саодатинг,  
Денгиз тўфонидай сенинг шиддатинг,  
Виждоним, иймоним, сенсан жон-танним,  
Эй муқаддас замин, Она Ватаним!

Орият, номусни устувор тутган,  
Бош эгмай ўзига Бек бўлиб ўтган,  
Довруғинг ҳам етти иқлимга етган,  
Виждоним, иймоним, сенсан жон-танним,  
Тоғлардек қадди тик мағрур Ватаним!

Оллоҳнинг назари тушган диёрсан,  
Буюқлар яшаган қутлуг маконсан,  
Илмнинг ўчоғи қайнаган қонсан,  
Виждоним, иймоним, сенсан жон-танним,  
Эй муқаддас замин, Она Ватаним!

Ўткир ЎРОЛОВ,  
муסיқий таълим йўналиши  
3-курс талабаси.

## ТЎРТЛИКЛАР

Дунё гўзаллигин билмоқ бўлсанг сен,  
Ҳаёт боқийлиги вафодир асли.  
Дўстлар даврасида қадрдонсан сен,  
Билиб кўй чин вафо муҳаббат васли.

Бойлигинга ишонма, сени адо қилади,  
Кўп давлатинг кўзингни нурсиз қилади.  
Баъзида кун келиб ҳатто ўз дўстинг,  
Сергайрат кунингни вайрон қилади.

Боғларда булбулу гулу чаманлар,  
Элимга муҳаббат хуру замонлар.  
Тарихим бугуним эртаним асли,  
Шоирга илҳомдир билсангиз бари.

Раъно ГУЛМУРОДОВА,  
педагогика-психология факультети  
3-босқич талабаси.

## ИЮН ОЙИНИНГ ҚУТЛУҒ САНАЛАРИ

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни.

Ўзбек болалар ёзувчиси Носир Фозилов (1929) -80 ёшда

Рус композитори Глинка Михаил Иванович (1804-1857) таваллудининг 205 йиллиги

5 июн — Жаҳон табиатни муҳофаза қилиш куни.

6 июн — Янги рус адабиётининг асосчиси Пушкин Александр Сергеевич (1799-1887) таваллудининг 210 йиллиги.

11 июн — Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театрининг ташкил топганлигининг 70 йиллиги.

26 июн — Бутун жаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни.

27 июн — Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни.

## Она жон

Кизим дея қирқта жонини,  
Қирқ жойидан қирқиб берганим.  
Қўлим кессам — бойлагин, дея,  
Қўйлагидан йиртиб берганим.  
Сахарларда туриб биз учун,  
Ширин қулча ёпиб берганим.  
Эринмасдан ухласин дея,  
Тунлар эртақ айтиб берганим.

Меҳрибоним дилдошим - онам,  
Суянганим сирдошим - онам.  
Хаста бўлсам бошимда туриб,  
Дардларимга дармон бўлганим.

## ОЛИС МАНЗИЛЛАР

Олис манзил сари йўл олган одам,  
Сабрга дарддош бўл шукрга шерик.  
Ҳар бир остонага ўйлаб бос қадам,  
Бўсага мезбони одамгарчилик.

Ҳар нени сўз билиб сўзлайверсанг гар,  
Гумроҳлар отади таъна тошини.  
Рашкнинг ҳукмидан кезсанг дарбадар,  
Тўхтатиб бўлмайдир раҳмон ёшини.

Йўлда юрсам дуоси билан,  
Асрагувчи осмон бўлганим.  
Ғийбат қилса гоҳо ёмонлар,  
Шайним сақлаб посбон бўлганим.  
Мана бугун менинг тилимда,  
Ҳаётинг бир дoston бўлганим.  
Осмонимда ойим — Онажон,  
Муҳаббатга бойим Онажон.

Юлдуз ДЎСТБЕКОВА,  
география ва иқтисодий билим  
асослари йўналиши  
1-босқич 107-гуруҳ талабаси.

Ҳалолга қўл чўзгин ҳаромдан қочгин,  
Виждонга эрк бергин ҳаққа тутгин юз.  
Фақирга саховат эшигин очгин,  
Ёмондан фориг бўл, элга бергин туз.

Мусофир, манзилинг қаерда тугар,  
Балки интиҳоси маҳшар, охират.  
Сендан кейин йўлга бошқаси чиқар,  
Қолдирганинг энди тарих хотирот.

Фаррух САИДҚОСИМОВ,  
табиатшунослик факультети  
кимё-экология йўналиши  
3-босқич талабаси

## АФСУС

Кеча мен-баҳорнинг шўх капалаги,  
Бутун-чи, фалангман, юраги маҳзун.  
Ҳаёт деб атадим уммон қарини,  
Чўкиб кетаялман, бе алад, беун.

Балки, ё бўлганман атиргул барги,  
Энди-чи, бўронлар учирган хасман.  
Туманли самонинг хира тафтига,  
Ўрнашиб олганман энди қайтмасман.

Тақдир-туҳфасига топмадим сабот,  
Чил-чил синди борим, тугади ашким,  
Мени қутқармангиз, узатманг ножот,  
Мени қутқаролмас умрим энди.

Бу аччиқ ҳаётдан кетай олислаб,  
Орзумдан бекиниб, кетайин маюс.  
Мени тополмасин армонлар йиғлаб,  
Дўстлар, мен яшашни билмайим афсус.

М.Авганова,  
Ўзбек филологияси факультети  
талабаси.

## ЗИЁ ЧАШМАСИ

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институту

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил  
этилмайди ва муаллифларга  
кайтарилмайд.

Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газета Матбуот ва ахборот  
агентлигида № 06-028 рақами билан  
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган  
вақти — 19.00  
Топширилди — 18.00

Манзил: Ш.Рашидов шох  
кўчаси, Жиззах  
давлат педагогика институту.

«Zamin Print» МЧЖ босмаҳонасида офсет усулида  
5320 нусхада босилди.  
Буюртма № 249 Shaki- A-3.